

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ – ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАЛҚАРО ТАСНИФИНГ ОМИЛИ

Юлдашев Искандар Баҳромовиҷ

Tashkent International University директори

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 9

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss9/a16

ABSTRACT

Маколада олий таълим муассасаларининг халқаро таснифини ривожлантиришда инновацион таълим менежментининг ўзига хос хусусияти ва назарий асослари тадқиқ этилган. Халқаро таснифнинг шаклланишига хизмат қилувчи омилларнинг вужудга келиши ва уларни баҳолаш юзасидан маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий асрлари тизимлаштирилган ва уларга нисбатан мустакил ёндашувлар ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида олий таълим муассасаларини халаро тасниф бўйича ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

KEYWORDS

олий таълим муассасаси, университет, халқаро рейтинг, таълим сифати, инновацион таълим менежменти

Кириш (Introduction/Введение)

Олий таълим муассасаларининг халқаро тасниф бўйича ривожлантиришда кўплаб омиллар каторида инновацион таълим менежмент алоҳида хусусият касб этади. Биз ўргангандан кўплаб тадқиқотларда инновацион таълим менежменти сезилилари таъсирга эга бўлган элемент сифатида қайд этилган. Шу боисдан, изланишларимизни таълим менежменти нуқтаи назаридан амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз.

Таълим менежментида инновацион ёндашувнинг кириб келиши якин ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, унда олдин кузатилмаган айрим янгича назарияларни кўриш мумкин бўлади. Инновацион менежмент орқали таълим жараёнларини ташкил этиш олий таълим тизимида катор афзалликларни келтириб чиқарадики, улар университетларнинг рақобат устунлигини таъминлашга хизмат килади.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларининг халқаро таснифи ривожлантиришда таълим омили асосий кўрсаткичлардан бири эканлиги маълум. Ушбу категория ракурсидан халқаро таснифи шакллантириш университетларда бошка омилларни ҳам “кўринмас кўл” назарияси асосида ривожланишига тургли бўлади, деб ўйлаймиз. Масалан, олий таълим муассасаларида сифатли ўқув машғулотларини ташкил этишига бўлган талаб ва унга бўлган эътибор профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқотлар билан шугулланишига олиб келса, бошка жиҳатдан университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни талаб этади. Шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлашда уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши сакланиб қолади.

Фикримизча, олий таълим муассасаларида инновацион таълим менежменти орқали халқаро таснифи нафакат шакллантириш, балки уни янада мустаҳкамлашга шарт-шароит вужудга келади. Натижада, университетнинг халқаро таснифини саклаб туришга ишончли замин яратилади.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили (Literature review, Анализ литературы). Ўзбекистонда менежмент фанининг ривожланишида академик М.Шарифхўжаев ва проф. Ё.Абдуллаев ҳаммуллифигида

тайдерланган “Менежмент” дарслити алоҳида аҳамият касб этади [1]. Мазкур адабиётда менежментнинг турли хусусиятлари ёритиб берилган. Жумладан, стратегияга нисбатан шакллантирилган ёндашув айнан муассасасининг истиқбол йўналишларини ишлаб чиқишида эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлар билан тушунтириб берилади. Стратегия – бу истиқболни тадқиқ этиш, турли сценарийларни тахлил қилиш, рақобат мухитида устунлик берувчи ёндашув ва муассасанинг фаолиятини мониторинг қилувчи кенг камровли тизим эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Бизнингча, ушбу ёндашувда стратегиянинг изоҳлаб берилши олий таълим муассасаларида ҳам долзарблек касб этади, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, олий таълим муассасаларини халқаро тасниф бўйича ривожлантиришда университет стратегиясининг мавжудлиги ва унинг қандай ёндашувга асосланганлиги халқаро таснифга эришишини белгилаб беради, деб хисоблаймиз.

Шу билан бирга, проф. Н.Йўлдошев томонидан мамлакатимизда инновацион менежмент мояхияти нисбатан илк ёндашувларни учратиш мумкин [2]. Н.Йўлдошевнинг фикрича, инновацион стратегияда муассасасининг иқтисодий холати, илмий-техник салоҳият, илмий-техник вазифалар асосида ўзаро боғликларни баҳолашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади.

Қайд этиши лозим, проф. Н.Йўлдошев ўзининг ўқув дарслигида инновацион менежментни тушунтириб беришда илмий тадқиқотларга алоҳида ургу бермоқда. Бу эса, замонавий жаҳон тенденциялари даврида рақобатбардошлини таъминлашдаги асосий омил эканлиги барчага маълум. Шу боисдан, олий таълим муассасасининг ҳам халқаро тасниф бўйича ривожлантиришда илмий фаолиятга доир кўрсаткичлар доимий долзарблигини саклаб колади, деб ўйлаймиз.

Доц. А.Аликариева ўзининг маколасида олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини моделлаштириш масалаларига эътибор қаратади [3]. У томонидан умумий сифат менежменти (TQM, Total quality management) тизимининг ривожланиши тенденциялари таҳлил этилади. Шунингдек, мазкур концепциянинг АКШ ва Буюк Британияда вужудга келиши ва унинг алоҳида жиҳатлари борасида ўзининг мустакил ёндашувларини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, изланишлари натижасида олий

таълим тизимида сифат менежментининг 9та модели мавжудлигини ургулайди. Хулоса сифатида “Олий таълим муассасаларида сифат менежментининг анъанавий функционал моделининг асосий элементлари: таълим жараёнини режалаштириш, амалга ошириш, назорат килишва такомиллаштиришдан иборатидир” деб таъкидлаб ўтади.

Х.Сайдова томонидан таълим сифати назорат-бошқарув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари тизимлаштириб берилади [4]. У ўзининг илмий хулосаларида таълим сифати ва самародорлигини таъминлашнинг муаммоларини ўрганган. Жаҳонда ҳозирги кундаги ислоҳотлар фонида кўплаб сифат менежменти моделарининг аҳамияти камайиб бораёттланлигини хам эътиборга олади. Шу билан бирга, сифатни доимий тазда мониторинг килиб бориши методи ва Деминг цикли сифатида PDCA (Plan-Do-Check-Act) ни таъкидлаб ўтади. Мазкур метод режалаштиришдан токи амалга оширишга қадар бўлган жараёнларни ифодалаб беришини тушуништиришга ҳаракат киласди.

Таълим менежменти категориясига тўхталар эканмиз унда дастлабки илмий хулосаларда сифат масаласи бирламчи эканлигини кузатиш мумкин. Айрим тадқикотларда таълим менежменти категориясига сифатни бошқариш нуктаи назаридан ёндашувни шакилланганини кўриш мумкин. Жумладан, ҳалқаро даражада кенг тус олайтган умумий сифат менежменти концепциясининг ривожланиши олий таълим тизимида хам алоҳида аҳамияти қасб этмоқда. Бу эса, бизнес субъектлари фойдаланишида бўлган сифат менежменти категориясининг ижтимоий соҳа обьекти бўлган олий таълим муассасаларига мослаштириш зарурати вужудга келмоқда. Шу боисдан, сифат менежментининг нотижорат хусусияти нуктаи назаридан таълим хизмати олувчиларида қоникиши хам иктиносидӣ, ҳам ноиктисодидӣ жиҳатдан бўлиши мухим хисобланади.

Сифат менежменти нотижорат нуктаи назардан олиб карагандан таълим хизматлари натижада кўрсаткичларини молиявий рентабеллик методи асосида баҳолаш бирмунча мураккаблик қасб этади. Бу эса, таълим менежментини амалга оширишда ноиктисодидӣ аҳамияти қасб этувчи, бирок таълим хизматига тўловни амалга оширган томонда қоникиши ҳиссисини вужудга келишига эришиши назарда тутади.

Бизнингча, таълим менежментини амалга оширишда ижтимоийлик (нотижорат) хусусиятини саклаб қолган ҳолда таълим сифатидан қоникиши хосил килинишига эришиши назарда тутилиши лозим. Шу нуктаи назардан молиявий рентабеллик категориясини таълим сифати менежментига мослаштириш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Бу борада, олий таълим тизимида сифат менежменти категориясининг айнан олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш бўйича ёндашув мухим хисобланади. Жаҳоннинг кўплаб университетларида ҳалқаро тасниф категориясининг мавжудлиги олий таълим сифатини бошқарига нисбатан тизимли фаолият билан асосланади, десак муболага бўлмайди.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларининг ҳалқаро таснифи аниқлашда ҳалқаро рейтинг агентликларининг баҳолашлари асосида амалга оширилади. Кўплаб адабиётларда ҳалқаро тасниф категорияси ҳалқаро рейтинг агентликларининг рўйхатлари асосида белгилашга эътибор қаратилади. Шундай бўслада, биз инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий тадқикотларнинг айнан инновацион таълим менежменти юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосаларни ўрганишига ҳаракат киласди.

П.Флеминг ўзининг “Қоронгу университет: ҳаробалардан Академия” номли мақоласида университетларнинг тижорат хусусиятининг кучайиб кетганини борасида илмий хулосаларни асослашга эътибор қаратади [5]. У томонидан замонавий университет категориясига эътибор қаратилади. Шунингдек неолиберализм ва капиталистик трендларнинг университетлар трансформациясига таъсири баҳолаб берилади. У университетларнинг акционерлик жамияти каби шаклланнишини тақид қиласди, бозор иктиносидёти тамойилларига асосланган қоидалар академик ҳаётнинг кескин ўзгаришига таъсир этганини таъкидлаб ўтади. Натижада эса, профессор-ўқитувчиларга ишончили бўлмаган иш ўринлари ва талабалар учун тижорат хусусияти қасб этган таълим хизматларини яратилганини ургулайди. Бу эса, академик мустакиллик ва интеллектуал фаолият устидан менежментининг кучайиши, академик қадриятларнинг йўқолиб бораёттланлигидан хавотир билдиради.

Х.Аула ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқикотда жаҳон таснифидаги университетларни кўшилишлар орқали амалга оширишни баҳолаб беради [6]. Уларнинг фикрича, университетлар ўзаро кўшилиб кетгандарда улар ўз reputацияларини қандай ҳолда саклаб колаётганини ёки ошираётганини таҳлил этилади. Улар тадқикотида учта финуниверситетларнинг кўшилиш жараёнларини ўргандин. Шунингдек, университет хамкорлиги ва медиа камровининг репутацияни саклаб колищдаги ролини таҳлил қилиб, бу қандай ўзгаришларга олиб келиши бўйича хулосалар беради. Натижада, ҳалқаро таснифни ривожлантириш охир оқибат академик таркибнинг қандай даражада эканлиги билан боғлик эканлигини асослаб беради.

Я-Вен Хоу ва В.Ж.Жакоб томонидан олиб борилган тадқикотда олий таълим муассасаларининг ҳалқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишини ўрганишади [7]. Улар томонидан регрессион таҳлил орқали қандай кўрсаткичлар кўпроқ таъсирга эга эканлигини аниқлашга ҳаракат қилишади. Улар томонидан the Academic Ranking of World Universities (ARWU), Times Higher Education (THE), and QS World University Rankings каби рейтинг агентликларининг меодлари таҳлил қилинади. Натижада, ARWU рейтингидаги кўпроқ илмий тадқикотлар орқали эришиладиган натижалар бирламчи аҳамият қасб этса, қолган рейтингларда академик ва иш берувчи томонидан бериладиган баҳолар асосий рол ўйнаши асослаб берилади.

Бизнингча, академик ва иш берувчининг хулосалари кўп жиҳатдан таълимни ташкил этиш жараёнлари билан чамбарчас боғлик хисобланади. Ўз навбатида, ушбу тенденциялар университетларда инновацион таълим менежментини самарали ташкил этишга бўлган зарурати ўзида ифодалаб беради.

В.Чухломин ўзининг тадқикотида жаҳон бозорида ракоғатбардош кадрларни тайёрлаш жараённада нималарга эълибор берилиши жиҳатидан илмий ёндашуварни келтириб ўтади [8]. Унинг фикрича, “сифат-кўймат-вақт” нуктаи назаридан олий таълим тизимини трансформация қилишини таклиф этади. Ушбу метод асосида мутахассисларни тайёрлашда икки томонлама диплом концепцияси бўйича тайёрлашни назарда тутади. Натижада, маҳаллий кадрларни хорижий университетлар билан ҳамкорликда жаҳон тасниф бўйича тайёрлашта имконият вужудга келишини таъкидлаб ўтади.

Умуман олганда, хорижий олимлар томонидан олий таълим муассасаларида инновацион таълим менежментининг турли ракурслари жиҳатидан баҳолаб берилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларини тижоратлашиб кетишини олдини олиш, академик репутацияни доимий тарзда саклаб қолиш каби хусусиятларни келтириш мумкин.

Тадқикот мақсади ва усуслари (Research objective and methods, Цель и методы исследования).

Мазкур тадқикот ишида қиёсий таҳлил, назарий таҳлил усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты.).

Фикримизча, таълим менежментида инновацион ёндашувни ифодалаш қуйидаги мезонлар билан алоҳида таснифланиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

олий таълим хизматларининг тижорат хусусияти қасб этишининг олдини олиш.

харажатларни тежаш принципи университет инфратузилмасини ривожлантириши.

олий таълим олишга бўлган мотивларни янада кучайтиришга қаратилган қулай таълим олиши оммалаштириш.


Умуман олганда, инновацион таълим менежменти концепцияси университетларнинг ҳалқаро тасниф бўйича ривожлантиришда ҳол этувчи омиллардан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан, инновацион таълим менежменти тизими кўп бурчакли моҳиятни ўзида ифодалаб беради. Биз уни қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин:

1-расмда келтирилган илмий ёндашувларимизни қуйидаги мулоҳазалар орқали янада аниқроқ ифодалаш мумкин, деб ўйлаймиз

Инновацион олий таълим менежменти анъанавий олий таълим менежментига нисбатан айрим хусусиятлари билан фарқланишини кузатиш мумкин. Кўплаб илмий адабиётларда анъанавий олий таълим менежментида кўпроқ ўкув машғулотларини сифатини назорат килиш назарда тутилган. Бизнингча, ҳозирги кенг камрови

ракобат мухитида биргина ўкув машгулотларини сифатини таъминлаш етарли аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Шу боисдан, ўкув машгулотларини ташкил этишда ташкил омилларни ҳам инобатга олиниши асосий омилга айлануб ултурди, десак муболага бўлмайди.

Олий таълим тизимида инновацион менежмент концепциясини



1-расм. Олий таълим муассасаларининг халкаротасниф бўйича ривожланишида таълим менежменти омили

амалга оширища бош мақсад сифатида нотижорат хусусиятларни таъминлаш мухим ҳисобланади. Олий таълим хизматларини амалга оширища ундан кўзланган мақсад молиявий манфаатдорлик эмас, балки ижтимоий манфаатдорлик бўлиши лозим. Бошқача айтганда, биринчидан қиска муддатли даврда ижтимоийлик тамоилии устуворлик касб этиб, таълим олишида янги билимлар яратилиши ва уни ўрганишга нисбатан манфаатдорликни таъминлаш мухим ҳисобланади. Иккинчидан, узок муддатли даврда молиявий манфаатдорлик тамоилии устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунда олинган билим ва тажрибалар асосида иккисодий киймат яратилиши натижасида битирувчилик молиявий манфаатдорлиги аks этса, бошқа жиҳатдан мамлакат миллий даромадининг ҳамошишига шарт-шаронт яратилади.

Таълим берувчи – бу биринчи навбатда профессор-ўқитувчи бўлса, бошқа жиҳатдан таълим олиш жараённида ўкув, илмий тадқикот жараёнларини ташкил этишга масъул бўлган университет раҳбариятини келтириш мумкин. Анъанавий менежмент тизимида таълим сифати учун профессор-ўқитувчи қаралган бўлса, инновацион таълим менежментида таълим тизимини бутунлигicha ташкил этишга жавобгар бўлган шахсларнинг иштирокини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим берувчининг ички мотиви сифатли таълим беришда замонавий билимлар концепциясига асосланиши ва талабалар билимидан ташкил уларнинг тажрибаларини ҳам ривожлантиришга қаратилган педагогик фаoliyati амалга ошириши назарда тутилиши лозим. Университет раҳбарияти эса, таълим олиш жараёнларининг либерал тамоилиларга, лекин қатъий қоидаларга асосланган тарзда ташкил этилишига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнингча, олий таълим берувчilar сифатида караганимиз – университет раҳбариятининг таълим сифатига бўлган таъсири аксиомага айланмоқда.

Олий таълим муассасасида таълим олувчи – бакалаврият талабаси, магистрант ва докторантлар институтига мансуб бўлган шахсларни келтириш мумкин. Ушбу таълим олувчilarнинг ҳар бир институти учун хос бўлган таълим олиш жараёнларини самарали ташкил этиш назарда тутилиши лозим. Бунда ҳар бир таълим олувчи институти учун манзилли йўналтирилган ўкув жараёнини олиб борилиши кўзда тутилади. Масалац, бакалаврият талабаси учун назарий билимлар олиш ва тажрибаларни симулациян ўкув аудиториялари ёки амалиёт жойларида мустаҳкамлаши учун шарт-шаронт яратиш. Талабаларнинг таълим олиш имкониятидан келиб чишиб, индивидуал хусусияти инфратузилмани шакллантириш лозим бўлади. Масалац, ногиронлиги бўлган талабалар учун хос бўлган ўкув адабиётлари ёки ўкув хоналаридаги шароитларни келтириш мумкин.

Докторантуря ва мустакил изланувчилик институти талабалари учун халкарот аймий базалар – Science Direct ва Web of Science рўйхатида индексация бўлган мақолаларни кўра олиш ва ўқиши учун кенг шароитларни таъминлаб бериш мухим ҳисобланади. Илмий

тадқикот фаолиятини амалга оширишда хорижий малака ошириш курсларини ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ракамли технологияларни кўлламасдан нафакат олий таълим тизимини, балки ҳар кандай соҳа ривожини тасаввур этиш муракаб ҳисобланади. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида HEMIS – олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимишининг жорий этилиши инновацион таълим менежментини амалга оширишга муносаб хизмат киммоқда, деб ўйлаймиз. Ҳозирги кунда ушбу ахборот тизимидан 1 млн. дан ортик фойдаланувчиларнинг фойдаланаётганини ҳам унинг ижобий тенденция аks эттираётганини кўрсатиб беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг кўплаб университетларида мазкур ўкув жараёни платформасидан фойдаланилмоқда. Ушбу платформада нафакат талабалар учун, балки профессор-ўқитувчilar учун катор имкониятлар яратилган бўлиб, таълим жараёнини бошқарища фаол ёрдамчи эканлигини қайд этиш лозим.

Фикримизча, мазкур платформа билан биргалиқда олий таълим муассасаларида ўкув жараёнидан ташқари тенденцияларни ҳам ракамли технологиялар асосида бошқариши назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада, ходимларни бошқариш ва университет кампусидаги жараёнларни ҳам ракамли технологиялар асосида бошқарилиши молиявий харажатларни камайиришга олиб келади. Шу билан бирга, интранет концепцияси асосида бутун жараёнларни бошқариш инновацион иаълим менежментини янада соддалаштириш билан бирга, самародорликни оширишга хизмат килади, деб ўйлаймиз.

Инновацион таълим менежменти концепциясида олий таълим муассасасининг инфратузилмавий жиҳати мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, инфратузилма борасида фикр юритилганда унинг ўзи ҳам катор таснифлар асосида тизимлаштирилиши мумкин. Биринчидан, ўкув жараёнларини ташкил этишда техник инфратузилма тасаввурни шакллантирисада, иккинчидан инсон ресурслари салоҳияти, таълим олишдан ташқари жараёнларни ташкил этишга хизмат килувчи омилларни ёзигорга олиш лозим бўлади.

Умуман олганда, илғор инфратузилма категорияси одатдаги инфратузилмадан айрим хусусиятлари билан фарқланади, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, олий таълим муасасасининг жойлашуви нуқтаи назаридан кулагай ва транспорт-коммникация тизими учун осон бўлиши.

Иккинчидан, таълим ва таълимдан ташқари фаолиятни амалга ошириш учун уйгун бўлган инфратузилмага эга бўлиш.

Учинчидан, университеттада мавжуд бўлган таълоим йўналишларига мос равишда ўкув-илмий аудитория, лабораторияларига эга бўлиши.

Тўртингчидан, узоқдан келиб таълим олувчilar учун турар жой билан таъминлай олиш имкониятининг мавжудлиги.

Бешинчидан, ракамли Университет 3.0 талабларига мос равишда ракамли платформагаэга бўлиши.

Олтинчидан, ўкув-илмий фаoliyati ташкил этишда симуляцион аудиторияларга эга бўлиши, медиа-студия марказларига эга бўлиши ҳам мухим ҳисобланади.

Хуоса (Conclusion, Заключение).

Умуман олганда. Олий таълим муассасаларининг халкаротасниф бўйича ривожлантиришда илмий-тадқикотларнинг замонавий тенденцияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, ҳозирги халкарот рейтинг агентликларининг асосий баҳолаш мезонларida ҳам илмий тадқикот ва унинг натижалари бўйича кўрсаткичларга алоҳида баллар берилшини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, олий таълим муассасаларида илмий тадқикотларни анъанавий таълим менежменти фонига нисбатан фарқли равишда шакллантиришда куйидаги жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан, илмий тадқикотларни фанлараро интеграцион концепцияга асосланган мавзуларда олиб борилишини рағбатлантириши.

Иккинчидан, халкарот аймий базаларда тан олиниши нуқтаи назаридан янги билимларни ифода этадиган илғор тадқикот объектларида тадқикотлар олиб бориш.

Учинчидан, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилиши якка тарзда тадқиқотлар олиб боришга нисбатан манбаатлироқ бўлишини ривожлантириш.

Тўртингчидан, олий таълим муассасаларининг номлари остида мақола чиқариш билан бирга, ўз университети номи остида чиқарилган илмий асарлардаги ғояларни давом эттирадиган ва уларга ҳавола берган ҳолда халқаро тадқиқотларни олиб боришни рағбатлантириш.

Бешинчидан, илмий тадқиқотлар натижаларини таълим олувчиларга етказиб бериш учун илмий натижалар конвейёри яратилишга эътибор каратиш.

Олтинчидан, имий тадқиқотлар олиб боришни ўкув машғулотлари олиб борищдан алоҳида ҳолда бўлишини назарда тутиш. Бунда профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини тузишда илмий ёки ўкув юклама нуқтаи назаридан ажратган ҳолда расмийлаштиришни жорий этиш.

Еттинчидан, илмий тадқиқотлар олиб борища молиявий манбаатдорлик билан бирга, ижтимоий-мъявнавий қоникиши ҳосил қилиш механизмларини жорий этиш.

Саккизингчидан, илмий тадқиқот натижаларини иқтисодиёга жорий этилиши ортидан қўшилган қийматнинг яратилишига хизмат килишига эришиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Хулоса килиб айтганда, олий таълим муассасаларини халқаро тасниф бўйича ривожлантиришда инновацион таълим менежменти алоҳида рол ўйнамоқда. Бунда олий таълим муассасасининг нотижорат хусусиятига эга бўлиши, таълим олувчилар, таълим берувчилар ва институционал инфратузилманинг илгор эканлиги кабилар халқаро таснифни шакллантиришда ўзигахос аҳамиятга эга хисобланади.

References:

1. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. -Т., 2001 . - Ўқитувчи нашриёти. Дарслик. 706 б.
2. Йўлдошев Н.Қ., Акбарходжаева З.З. Инновацион менежмент. –Т.: «Иқтисодиёт», 2019. –321бет
3. Аликарниева А. Н. Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини моделлаптириш масалалари //Журнал социальных исследований. – 2022.– Т. 5. – №. 2.
4. Сайдова Х. Таълим тизими бошқарувида сифат ва самарадорлик моделлари//Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 3/S. – С. 42-49.
5. Fleming, P. (2021). The ghost university: Academe from the ruins. Emancipations: A Journal of Critical Social Analysis.
6. Aula, H. M., & Tienari, J. (2011). Becoming “world-class”? Reputation-building in a university merger. Critical perspectives on international business, 7(1), 7-29.
7. Hou, Y. W., & Jacob, W. J. (2017). What contributes more to the ranking of higher education institutions? A comparison of three world university rankings. International Education Journal: Comparative Perspectives, 16(4), 29-46.
8. Чухломин В. Д. Как подготовить специалиста мирового класса? //Всероссийский экономический журнал ЭКО. – 2009. – №. 6 (420). – С. 137-146...